

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОМУРОДОВ ШОҲБОЗ ЭРОЛ ЎҒЛИ**

**БЕРДАХ ВАЛИДАГИ ЮҚОРИ-ЎРТА ЮРА ДАВРИ ТЕРРИГЕН  
КОЛЛЕКТОРЛАРИНИНГ ГАЗ БЕРУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИГА  
ГЕОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract doctor of philosophy (PhD)**

**Шомуродов Шохбоз Эрол ўғли**

Бердах валидаги юкори-ўрта юра даври терриген коллекторларининг  
газ берувчанлик коэффициентига геологик омилларнинг  
таъсири..... 3

**Шомуродов Шохбоз Эрол угли**

Влияние геологических факторов на коэффициент газоотдачи  
терригенных коллекторов верхне-среднеюрского возраста Бердахского  
вала ..... 21

**Shomurodov Shokhboz Erol coals**

Influence of geological factors on the gas recovery coefficient of terrigenous  
reservoirs of the upper-middle jurassic age in the Berdakh  
swell..... 39

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОМУРОДОВ ШОҲБОЗ ЭРОЛ ЎҒЛИ**

**БЕРДАХ ВАЛИДАГИ ЮҚОРИ-ЎРТА ЮРА ДАВРИ ТЕРРИГЕН  
КОЛЛЕКТОРЛАРИНИНГ ГАЗ БЕРУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИГА  
ГЕОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

**04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/GM140 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ing.uz](http://www.ing.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Халисматов Ирмухамат**  
геология-минералогия фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Иргашев Юлдашбай**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Абидов Хуршид Асрорович**  
геология-минералогия фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Мирзо Ўлугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация химояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 28 » август куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507 х.; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4423 рақам билан рўйхатга олинган). Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил « 31 » июл куни таркатилди.  
(2025 йил « 28 » майдаги 95-рақамли реестр баённомаси).



**Т.Х. Шоймуратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг  
раиси, г.-м.ф. д., к.и.х.

**М.Г. Юлдашева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг  
илмий котиби, г.-м.ф. д., к.и.х.

**Богданов А.Н.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳозирги вақтга келиб газ ва газоконденсат уюмларини излов-қидирув ва қазиб чиқариш амалиётида коллекторларнинг газ берувчанлик хусусиятини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Газ ва газоконденсат уюмлари захирасини ҳисоблашда, ишлатишни турли босқичларини лойиҳалашда, қазиб чиқариш жараёнида захираларни қайта ҳисоблашда газ берувчанлик коэффициентини юқори аниқликда баҳолаш зарурияти асосланган. Уюмларни газ берувчанлик хусусиятини аниқлашда, биринчи навбатда геологик омилларга, иккинчи навбатда технологик ва иқтисодий омилларга боғлиқ. Газ қазиб чиқариш жараёнида технологик мураккабликлар ва бунинг асосида содир бўладиган иқтисодий харажатларнинг ортишига, асосан уюмларнинг мураккаб геологик тузилиши сабаб бўлади. Шу боис, газ берувчанлик коэффициентига геологик омилларнинг боғлиқлигини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Бунда геологик омиллар кўрсаткичлари орқали газ берувчанлик коэффициентини баҳолаш ва башоратлашнинг ишончилигини таъминлаш муҳим аҳамиятига эга ҳисобланади.

Дунёдаги газ ва газоконденсат уюмларининг газ берувчанлик коэффициентини геологик омилларга боғлиқлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, газ берувчанлик коэффициентига геологик омилларнинг таъсирини баҳолаш услубияти даража, синергетик улуш, тенденцион ўзгариш белгиларини тизимлаштириш асосида такомиллаштириш; терриген коллекторли газ уюмлар кесимида ўртача газ берувчанлик коэффициентини аниқлашнинг моделларини ишлаб чиқиш; терриген коллекторли конларда газ берувчанлик коэффициентини юқори аниқликда башоратлашнинг моделлаштирилган механизмини амалга ошириш алгоритмларини ишлаб чиқиш алоҳида эътиборга лойиқ.

Республикамизда нефтгаз соҳасида излов-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «...соҳани янада ривожлантириш, такомиллаштириш, жадаллаштириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳсулдор қатламларнинг фактик геологик маълумотларига асосланиб, газ ва газоконденсат уюмларининг газ берувчанлик коэффициентини аниқлаш методларини такомиллаштиришга йўналтирилган баҳолаш ва башоратлаш модели, газ захираларини ҳисоблашда қазиб олинadиган захира миқдорини ишончли аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1-мартдаги ПП-3578-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори, 2019 йил 23-июлдаги ПП-4401-сон “Ер қаърини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. ПФ-60-сон “2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистан Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳсулдор қатламнинг ҳақиқий газ берувчанлигини баҳолашда геологик омилларнинг таъсирини аниқлаш муаммолари билан М.А. Жданов, О.М. Акрамходжаев, А.Г. Бабаев, А.Г. Дурмишьян, В.П. Савченко, А.Х. Мирзаджанзаде, Д.А. Мараков, М.Л. Фиш, М.Я. Зыкин, Н.Г. Степанов, Н.И. Дубина, С.Н. Закиров, Р.М. Кондрат, Ф.А. Гришин, Я.Э. Какаев ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бердах валидаги газ ва газоконденсат конларининг захираларини ҳисоблашда ва ишлатишда уюмларнинг газ берувчанлигини баҳолаш бўйича А.А. Абидов, Ғ.С. Абдуллаев, А.Е. Абетов, Ж. Саманов, Т.Л. Бабаджанов, Б.А. Орынбаев, И.А. Голубев, В.М. Шевцов, И.П. Бурлуцкая, И. Халисматов, П.У. Ахмедов, Р.У. Шафиев, У.С. Назаров, К.М. Тухтаев ва бошқа кўплаб мутахассислар ўрганишган.

Шунга қарамасдан Бердах вали худудида юра даврининг терриген коллекторли маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлик хусусиятига геологик омилларнинг таъсирини инобатга олиб газ берувчанлик коэффициентини баҳолаш ва конларнинг газ берувчанлигини башоратлашнинг самарали усулларига оид илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Сўнги йилларда Устюрт регионидаги конлардан олинган геологик маълумотлар ёрдамида терриген коллекторларнинг газ берувчанлик коэффициентига геологик омилларнинг таъсирини ўрганиш ва башоратлаш орқали қазиб чиқариладиган захираларни аниқ баҳолаш имкониятларига қизиқиш ортиб бормоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ҳамда “Энергия ресурсларини тежаш илмий амалий ва ўқув маркази” МЧЖнинг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ: 1/18 “Анализ материалов ГИС, оценка положения ГВК и разработка методики прогнозирования обводнения скважин месторождения Шаркий Бердах” (2018-2019); 2/18 “Интенсификация отбора газа из обводненных пластов (месторождения Северный и Восточный Бердах)” (2018-2019); амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Устюрт региони Бердах валидаги терриген коллекторли маҳсулдор қатламлардаги газ ва газоконденсат уюмларини геологик омиллар кўрсаткичлари таъсиридаги газ берувчанлик коэффицентини баҳолаш ва башоратлаш моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳсулдор қатламнинг газ берувчанлик коэффицентига таъсир этувчи геологик омилларни ўрганиш;

маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлик динамикасида геологик омиллар таъсир даражасининг боғлиқлигини аниқлаш;

Бердах валидаги терриген коллекторли маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлик коэффицентига геологик омилларини боғлиқлигини баҳолаш ҳамда башоратлаш механизмининг алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бердах валидаги Шимолий Бердах, Шарқий Бердах ва Учсой конларини юқори-ўрта юра ётқизикларидаги терриген коллекторли газ ва газоконденсат уюмларининг геологик кўрсаткичлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Бердах валидаги терриген коллекторларида жойлашган газ ва газоконденсат уюмларининг газ берувчанлик коэффицентининг геологик кўрсаткичлари билан боғлиқлик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Маҳсулдор қатламлардаги газ уюмларини қазиб олишда геологик омилларни газ берувчанликка боғлиқлигини аниқлашда чизиқли ва ночизиқли таҳлил, математик-статистик таҳлил, перспектив ва ретроспектив таҳлил, омилли таҳлил, математик дастурлаштириш усуллари, тизимли ёндашув, экспериментал-статистик моделлаштириш, эмпирик ёндашув асосида газ берувчанликни башоратлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Бердах валидаги терриген коллекторли газ конларида вақт давомида ўзгарувчан ва ўзгармайдиган геологик омилларнинг ўртача газ берувчанлик коэффицентига эмпирик маълумотлар асосида таъсири миқдорий исботланган;

маҳсулдор қатламлар геологик кўрсаткичларининг ўзгаришини интерваллик баҳолаш асосида йиллик ўртача газ берувчанлик коэффицентларининг қуйи (0,96 %), ўрта (1,66 %) ва юқори (3,81 %) миқдордаги турлари аниқланган;

терриген коллекторлардаги газ уюмларида газ берувчанлик коэффицентини юқори аниқликда башоратлашнинг моделлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган;

Шарқий Бердах, Шимолий Бердах, Учсой, Арслон ва Инам конларининг газ берувчанлик коэффицентини башоратлаш дастури ишлаб чиқилган, унинг ёрдамида газ захирасидан фойдаланиш давомийлиги қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга бўлиниши асосланиб, узоқ муддатли башоратлаш сценарийлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

газ ва газоконденсатларининг захираларини ҳисоблашда ва ишлатиш босқичларида газ берувчанлик коэффицентига таъсир этувчи геологик омиллар аниқланган;

кўп уюмли газ конларида маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлигининг ўзгаришига геологик омилларни таъсир улиши ва таъсир суръатини аниқлаш ўрганилган;

маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлик коэффиценти қийматини геологик омиллар ёрдамида баҳолаш моделлари яратилган;

Устюрт регионида терриген коллекторли газ ва газоконденсат конларда геологик омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда уларни газ берувчанлигини башоратлаш моделлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Бердах валидаги Шарқий Бердах, Учсой, Шимолий Бердах конларининг ўрта-юқори юра давридаги 66 та маҳсулдор қатламларидаги уюмларнинг донадорлик, очик говаклик, ўтказувчанлик, газга тўйинганлик, ҳарорат, бошланғич ва жорий босим, гиллилиги, кумлилиги, қатлам парчаланганлиги каби геологик омилларининг газ берувчанликга таъсири турли таҳлиллар ёрдамида ўрганилган. Шарқий Бердах-Учсой, Шимолий Бердах, Арслон ва Ином конларининг геологик омиллар ва газ қазиб чиқариш кўрсаткичларининг турли таҳлиллар ёрдамида газ берувчанлигини башоратлаш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бердах валидаги терриген коллекторли газ ва газоконденсат уюмларининг газ берувчанлик коэффицентига геологик омилларнинг таъсирин турли математик-статистик таҳлиллар ёрдамида баҳолаш моделларини тузиш орқали, кўп қатламли терриген коллекторли уюмларда ҳар бир маҳсулдор қатламдаги уюмнинг газ берувчанлик коэффицентини янада ишончли баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бердах валининг газ ва газоконденсат конларидаги газ уюмларини газ берувчанлик коэффицентини башоратлаш модели асосида уюмларни излов-қидирув ва ишлатишнинг турли босқичларида захираларни ҳисоблашда ва лойиҳаларни тузишда газ берувчанлик коэффицентини юқори аниқликда башоратлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бердах валидаги юқори-ўрта юра даври терриген коллекторларининг газ берувчанлик коэффицентига геологик омилларнинг таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

Шарқий Бердах, Учсой, Шимолий Бердах конларининг терриген коллекторли газ ва газоконденсат уюмларининг геологик омиллар кўрсаткичлари асосида газ берувчанлик коэффицентини баҳолаш моделини ишлаб чиқиш тавсияси “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” ДМ да амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 28 декабрдаги 32-4772-сон маълумотномаси). Натижада, уюмларнинг геологик кўрсаткичларини ўзгариш

комбинациялари тизимида интерваллашган йиллик ўртача газ берувчанлик коэффициенти куйи (0,96 %), ўрта (1,66 %), юқори (3,81 %) даражалари бўйича турларга ажратилиб, такомиллашган газ қазиб олишни режалаштириш имконини берган;

Устюрт регионидаги терриген коллекторли газ ва газоконденсат конларининг газ берувчанлик коэффициенти геологик омиллар кўрсаткичлари асосида башоратлашнинг моделлаштирилган механизмини алгоритмини ишлаб чиқиш тавсияси “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” ДМ да амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 28 декабрдаги 32-4772-сон маълумотномаси). Натижада, Шарқий Бердах-Учсай, Шимолий Бердах, Арслон, Ином конлари мисолида газ захирасидан фойдаланиш давомийлигини асословчи уюмларни газ берувчанлик коэффициенти узок муддатли башоратлаш методикаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда мақола, жумладан 4 та Республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилмаси.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маҳсулдор қатламнинг газ берувчанлик коэффициенти таъсир этувчи омиллар”** номли биринчи бобида маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлик коэффициенти таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, турли давлатларда газ ва газоконденсат конлари учун ушбу коэффициентнинг ўрганилганлиги, таъсир этувчи асосий омиллар, уларни аниқлаш усуллари ва қабул қилинган қийматларнинг шарҳлари келтирилган.

Ушбу бобда газ берувчанлик коэффициенти аниқлашда унга таъсир этадиган омилларни ўрганишда хорижий ва маҳаллий олимлардан катта ҳисса

қўшган тадқиқотчилар тўғрисида маълумот берилган, уларнинг ичида қўйдагиларни алоҳида қайд этиш мумкин: D.L. Stinson, Ву.Е. Stoian, A.S. Telford, М.А.Жданов, А.Л.Козлов, Е.М.Минск, В.П.Савченко, Ю.П. Коротаев, С.Н. Зокиров, Г.В. Рассохин, Р.М. Кондрат, И.А. Леонтьев, В.И. Петренко, М.Л. Фиш, А.Х. Мирзаджанзаде, А.Г. Дурмишьян, Ф.А.Гришин, О.М. Акрамходжаев, А.А. Абидов, Ғ.С. Абдуллаев, И.А. Голубев, Ж.Ю. Юлдашев, П.У. Ахмедов, И. Халисматов, И.П. Бурлуцкая ва бошқалар.

Газ ва газоконденсат конларининг захираларини ҳисоблаш ҳамда уларни ишлатиш лойиҳаларини тузишда, кўп ҳолларда уюмларнинг газ берувчанлик хусусиятлари аналогик усул асосида, яъни ўхшаш конлардан қазиб олинган газ миқдорларига таянилган ҳолда белгиланади. Бироқ конларнинг тузилиши ўхшаш бўлишига қарамай, уларнинг геологик омилларнинг кўрсаткичлари ўзаро сезиларли даражада фарқ қилади. Шу сабабли газ берувчанлик коэффициентини аниқлашда турли омиллар ҳисобга олиниши талаб этилади.

Газ берувчанлик коэффициентига таъсир этувчи омиллар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади: геологик, технологик ва иқтисодий. Геологик омилларга қуйидагилар киради: қатламнинг ички энергияси, уюмнинг коллекторлик хусусияти, маҳсулдор қатлам кесими бўйлаб тоғ жинсларининг фацциал ўзгарувчанлиги ва турлари, газ захиралари миқдори, табиий сақлагичларнинг тури ҳамда уюмларни ишлатиш режимлари. Иқтисодий харажатларнинг ортиб кетиши, асосан, техник-технологик мураккабликлар туфайли юзага келади. Бу мураккабликларни ўз навбатида уюмнинг геологик тузилиши билан боғлиқлиги келтирилган.

Уюмнинг газ берувчанлик коэффициентларини аниқлаш ҳамда олинандиган газ захирасини ҳисоблаш жараёни босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Якуний газ берувчанлик коэффициентларини баҳолаш ва башорат қилиш шартлари, имкониятлари, воситалари ва ишончлилиги ҳар бир босқичда фарқ қилади. Биринчи босқичда, коннинг захираси ҳисобланганда газ берувчанлик коэффициентини башорат қилиш зарур. Иккинчи босқичда, конларни ишлатиш лойиҳасини тузиш жараёнида газ берувчанлик коэффициентларини баҳолаш керак. Учинчи босқичда, конларни ишлаш жараёнида газ берувчанлик коэффициентини баҳолаш зарур. Ниҳоят, тўртинчи босқичда, конни ишлатишнинг сўнгги босқичида газ берувчанлик коэффициентларини башорат қилиш кераклиги келтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газ берувчанлик коэффициентини аниқлаш ва ўрганиш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, уюмларнинг геологик-физик хусусиятлари, коллекторларнинг тури (терриген ёки карбонатли) ва бошқа параметрлар асосида аниқ ва ишончли дастурларни ишлаб чиқишга эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Бу эса ушбу соҳани янада чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этади.

Диссертациянинг **“Устюрт региони Бердах валидаги газ ва газоконденсат конларининг маҳсулдор қатламларининг геологик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Бердах валининг юқори-ўрта юра даврининг терриген

коллекторли ётқизикларининг литологик-стратиграфик тавсифи, тектоника ва нефтгазлиги, гранулометрик, гиллилик, макрохархиллик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилиб, коллекторлик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари ёритилган.


Бердах вали Устюрт регионининг нефть ва газга истиқболли ҳудудларидан бири бўлиб, асосий уюмлар юра даври терриген коллекторли жинсларига тўғри келади. Бердах валида юра даври ётқизиклар жуда яхши ўрганилган бўлиб, геологик кесимининг ўзига хос хусусиятлари керн намуналарининг лаборатория таҳлиллари, чуқур параметрик ва излов-қидирув қудуқларда ўтказилган геофизик тадқиқотлар ҳамда қазиб чиқаришда конь-геологик маълумотлари натижаларини комплекс талқин қилиш орқали шакллантирилган. Юра даврининг учта қуйи, ўрта ва юқори бўлимларининг литологик таркиби асосан терриген жинслардан иборат. Ўрта юра ётқизиклари аален-баёс, бат ва келловой ярусларидан ташкил топган. Уларнинг бўлимлари аллювиал ва кўл-ботқоқ (аален-баёс), континентал генезисдаги кумли-гилли-аргиллитли жинсларнинг қатламлараро бирлашиб, саёз денгиз фармациясидаги (бат-келловой) терриген жинсларнинг кетма-кет алмашиб келиши билан мураккаблашади. Чўкиндилар кўмирлашган ўсимлик қолдиқлари билан тўйинган, кўмирнинг юпқа қатламлари аален-баёс ярусида мавжуд. Юқори юра ётқизиклари барча чуқур бурғиланган қудуқларда келловой-оксфорд ва киммеридж-титон ярусларидаги жинслар очилган. Келловой-оксфорд кесими асосан яшил-кулрангдаги алевролит ва кумтошлардан иборат, оралиқ қатламлари гиллардан ташкил топган.

Углеводород уюмлари тўпланган коллекторларнинг таркибини гравий, кум, кумтош, алевролитли жинслар ташкил этиб, маҳсулдор қатламлар қават-қаватли, линзасимон, узук-узук тузилишда ҳар хил қалинликларда ўзгаради. Маҳсулдор қатламларнинг газ берувчанлигини ҳар хил қийматга эга бўлишига уларнинг коллекторлик хусусиятлари кўрсаткичларининг ўзаро таъсир этиш даражаси муҳим ҳисобланади.

Шимолий Бердах конида  $J_2^{26}$  горизонти бўйича тузилган газга тўйинганлик харитасида эса майдоннинг жанубий қисмида газ тўйинганлик даражаси юқори, бошқа қисмларда эса пастлиги қайд этилган. Шарқий Бердах ва Учсой конларини  $J_2^1$  горизонти бўйича тузилган газга тўйинганлик хариталарида, майдон марказий қисмида газга тўйинганлик миқдори четки қисмларга нисбатан юқори экани аниқланган. Бу ҳолат ушбу конлардаги коллектор қатламларининг газ берувчанлиги турли бўлишини кўрсатади.

Шарқий Бердах кони қудуқларидан олинган кумтошли-алевролитли намуналарнинг ўтказувчанлиги 0 дан  $75,0 \times 10^{-3}$  мкм<sup>2</sup> гача ўзгаради. Тоғ жинсларининг ўтказувчанлигини миқдори катта диапазонда тарқалган ва маҳсулдор горизонтларнинг ўртача ўтказувчанлиги  $7,28 \times 10^{-3}$  мкм<sup>2</sup> га тенг. Учсой конидаги намуналарнинг ўтказувчанлиги 0 дан  $67,1 \times 10^{-3}$  мкм<sup>2</sup> гача ўзгариши кузатилган. Таққослаш натижаларига кўра, юқори ўтказувчанлик қийматлари асосан юқори ғовакли кумтош-алевролит жинсларга тўғри келади. Учсой конидаги ўртача ўтказувчанлик  $20,9 \times 10^{-3}$  мкм<sup>2</sup> га тенг. Ўтказувчанлик майдон бўйлаб нотекис тарқалиши хариталарда ҳам ўз тасдиғини топган.

Шарқий Бердах конидаги юқори ва ўрта юра даврига мансуб кумтош-алевролит жинсларининг очик ғоваклиги 1,74% дан 17,84% гача ўзгаради. Кичик қийматлар зич гилли алевролитларга (масалан, №8 кудук, 8-намуналар), катта қийматлар эса дағал дондорли кумтош ва гравий жинсларга (масалан, №5 кудук, 23-намуналар) хосдир. Учсой конидаги маҳсулдор қатламларнинг ғоваклиги 2,17% дан 20,89% гача ўзгаради.  $K_F < 7\%$  бўлган жинслар деярли учрамайди. Ўрганилган 116 та намунадан 73% да ғоваклик 15-20% оралиғида кузатилган. Кўпинча юқори ғовакли кумтош жинслар кулранг, полимикитли бўлиб, заррачалар диаметри 0,2-1,3 мм оралиғида бўлади. Учсой конидаги ўртача очик ғоваклик Шарқий Бердах конига нисбатан тахминан 1,5 баравар юқори бўлиб, 15,79% ни ташкил қилади. Шарқий Бердах ва Учсой конларида  $J_2^1$  горизонти бўйича тузилган ғоваклик харитасида ғовакликнинг майдон бўйлаб нотекис тарқалгани аниқланган (1-расм). Бу ҳолат бир горизонтнинг турли қисмларида газ берувчанлик хусусияти ҳар хиллигини тасдиқлайди.



**1-Расм. Шарқий Бердах-Учсой конларининг  $J_2^1$  маҳсулдор горизонтининг ғоваклик харитаси. Тузувчи: Шомуродов Ш.Э.; (Суннатов М.С маълумоти бўйича)**

Геологик омилларни ўзаро таъсирини ўрганиш учун коллекторларни ғоваклик ( $K_F$ ) ва ўтказувчанлик ( $K_{\dot{y}}$ ) маълумотларини математик-статистик таҳлил қилиш орқали ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. Шарқий Бердах ва Учсой конларидаги юқори ва ўрта юра даври ётқизиқлардаги маҳсулдор горизонтларни терриген коллекторли кумтош-алевролитли жинслари учун  $K_{\dot{y}} = f(K_F)$  боғлиқлик муносабатлари чизиқли, даражали, логарифмик,

экспоненциал боғланиш функциялари орқали ўрганилди ва боғланиш коэффициентлари юқори аниқликдаги функциялар ва эгри чизиқлар график боғлиқликлари тузилди.

Учсой конида қазиб чиқариш дебити катта бўлган  $J_2^8$  горизонт ҳамда дебит кўрсаткичи кам бўлган  $J_2^4$  горизонтдаги уюмларни логарифмик шаклдаги боғлиқлик функциялари яратилди.  $J_2^8$  уюмнинг ўтказувчанлик ва ғовакликни ўзаро боғлиқлик функцияси  $K_{\bar{y}} = 235,6 \ln(K_F) + 437,72$ ;  $R^2 = 0,70$ ,  $J_2^4$  уюмнинг ўтказувчанлик ва ғовакликни ўзаро боғлиқлик функцияси  $K_{\bar{y}} = 73,249 \ln(K_F) + 159,88$ ;  $R^2 = 0,25$ . Шарқий Берах конида катта дебитга эга бўлган  $J_2^1$  уюмда боғлиқлик экспоненциал функциясида корреляция коэффициенти юқори қийматга эришди  $K_{\bar{y}} = 0,0009e^{58,918K_F}$ ;  $R^2 = 0,859$ . Кам дебитдаги  $J_3^3$  уюмда чизиқли боғлиқлик функциялари  $K_{\bar{y}} = 3699,9K_F - 739,38$ ;  $R^2 = 0,88$  тузиб ўрганилди. Коллекторликни ифодаловчи ғоваклик ва ўтказувчанлик ўртасидаги боғлиқлик доимо мавжуд бўлиб, ғоваклик ортганда ўтказувчанлик ҳам ортади. Бироқ кўп қатламли уюмларда ҳар бир уюм алоҳида боғланиш функциясига ва боғлиқлик коэффициентига эга бўлади, бу эса газ берувчанлиги турлича бўлишини асослайди.

Коллектор кўрсаткичларидан бирининг ўзгариши бошқа геологик омилларнинг кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳар бир уюмда бу боғлиқлик турлича шаклланиб, график кўриниши фарқ қилади. Табиатда тўлиқ ўхшаш қатламлар бўлмагани каби, бир хил боғланиш ҳам учрамайди. Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик уюмнинг газ берувчанлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг **“Газ берувчанлик коэффициентиға геологик омилларнинг таъсири ва натижавий омил таъсирчанлик даражасини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида Бердах валидаги терриген коллекторли қатламларда газ берувчанлик коэффициентиға таъсир этувчи геологик омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш мезонига асосланиб, уларнинг натижавий омилға таъсири аниқланган.

Геологик тизимда асосий омиллар сони аниқ эмас, шу сабабли натижавий омил билан тўғридан-тўғри боғланиш йўқ. Лекин ҳар бир омилнинг турли шартларда натижавий белгининг турли қийматларига олиб келиши мумкин. Бу тизимнинг мураккаблигини кўрсатади. Шунинг учун, геологик омиллар ўртасидаги боғланишни аниқлашда корреляцион таҳлилдан фойдаланилди. Асосий геологик омиллар сифатида қуйидаги белгилашларни киритамиз:

- $X_1$  - қатламнинг литологик тузилиши (донодорликнинг даражаси), %;
- $X_2$  - қатламнинг очик ғоваклик коэффициенти, %;
- $X_3$  - қатламнинг газға тўйинганлик коэффициенти, %;
- $X_4$  - қатламнинг гиллилиги, %;
- $X_5$  - қатламдаги ҳарорат, °С;
- $X_6$  - қатламнинг ўтказувчанлиги, мД;
- $X_7$  - бошланғич қатлам босими, атм;
- $X_8$  - жорий қатлам босими, атм;

$X_9$  - парчаланиш коэффициенти (расчлененности);

$X_{10}$  - қатламнинг қумлилик миқдори (песчанисности);

$Y_1$  - Жорий газ берувчанлик коэффициенти, %;

Танланган омиллар бўйича Шимолий Бердах, Учсой, Шарқий Бердах, конларидаги жами 66 та уюмларнинг маълумотларидан фойдаланиб газ берувчанлик коэффициентига боғлиқликни умумий математик тавсифи шакллантирилди. Кўпликдаги корреляция коэффициентларни ҳисоблаш учун уюмлар бўйича олинган геологик омиллар ва натижавий омилларга нисбатан қуйидаги чизикли регрессион тенгламалардан фойдаланилган.

$$\hat{Y}_1 = -19,47 - 0,66X_1 + 7,37X_2 - 3,75X_3 - 102,94X_4 + 0,66X_5 + 0,01X_6 + 0,05X_7 + 0,12X_8 - 98,67X_9 - 0,62X_{10}, \sigma = 1,37 \%$$

$$\hat{Y}_2 = 72,59 - 0,28X_1 - 30,5X_2 - 98,14X_3 - 64,4X_4 - 1,23X_5 + 0,07X_6 + 0,52X_7 + 0,06X_8 - 73,23X_9 - 6,36X_{10}, \sigma = 0,78 \%$$

Геологик омиллар билан газ берувчанлик коэффициенти ўртасида чизикли боғлиқлик юқори бўлса-да, уларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш мураккаб жараён дир. Корреляцион таҳлиллар горизонтлар бўйича ягона модел тузиш имкониятини чеклайди. Аниқ натижаларга эришиш учун тўлиқ қазиб чиқариш жараёни бўйича рақамли ахборотлар базаси талаб этилади. Геологик кўрсаткичлар учун моделлаштириш натижаларини умумлаштириш мақсадга мувофиқ дир. Ҳар бир геологик омиллар ва газ берувчанлик коэффициенти ўртасидаги ночизикли боғланиш моделлари ишлаб чиқилди (1-жадвал). Барча ночизикли моделлар адекватлик шартларини тўлиқ қаноатлантиради. Геологик омиллар бўйича 95% ишончли интервал доирасида газ берувчанлик коэффициенти дисперсиясининг шаклланиши 80%дан юқори эканлиги аниқланди. Бу ҳолат умумий корреляция индекси орқали тасдиқланади. Шунингдек, ҳар бир омил бўйича чизикли боғланиш даражасини хусусий корреляция индексидан кўриш мумкин.

Тузилган математик моделлардан фойдаланиб геологик омилларнинг таъсир нисбийлигини ва улушини баҳолаганимизда, бу уюмларнинг газ берувчанлик характерини геологик хусусиятига кўра ифодалайди. Хусусан, қуйидаги омилларнинг уюм потенциалига таъсир улуши мос равишда аниқланган: донадорлик даражаси -12,17 %, очиқ ғоваклик -10,22 %, газга тўйинганлик -10,72 %, гиллик -11,08 %, қатлам ҳарорати -7,96 %, қатлам ўтказувчанлиги -10,35 %, бошланғич қатлам босими -10,88 %, жорий қатлам босими -8,82 %, парчаланиш коэффициенти -7,26 %, қумлилик -10,54 %. Бундан ташқари, 100 фоизлик масштабда ҳисобга олинмаган геологик хусусиятлар таъсири ҳам 19,02 % улушга эга экани маълум бўлди. Ушбу натижалар уюм потенциалини баҳолашда мазкур омилларга катта эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур таъсир улуши фақат танланган геологик омиллар тизимидаги жараён учун ўринли бўлиб, бошқа омилларнинг таъсири ҳисобга олинмаган.

**Геологик омиллар ва газ берувчанлик коэффиценти (Y)  
ўртасидаги ночизикли боғланиш моделлари ва уларнинг адекватлик  
кўрсаткичлари (Тузувчи: Шомуродов Ш.Э.; 2023 йил)**

Геологик омил номи	Математик тавсифи	Адекватлик кўрсаткичлари			
		Модел коэфф.	t- тақсимоти	p- қиймат	R <sup>2</sup>
Литологик тузилиши	$Y = 0,0385 \cdot e^{0,029 \cdot X_1}$	-3,25636 0,02910	-59,0085 22,59422	0,0000 0,0000	0,89
Очиқ ғоваклик кўрсаткичи	$\ln Y = -3,00363 + 4,9812 \cdot X_2$	-3,003634 4,981203	-179,7298 59,92328	0,0000 0,0000	0,98
Газга тўйинганлик	$\ln Y = -3,02098 + 1,4897 \cdot X_3$	-3,020978 1,489686	-163,9830 55,32754	0,0000 0,0000	0,98
Гиллилиги	$Y = 0,13472 \cdot e^{-4,119923 \cdot X_4}$	-1,280002 -4,119923	-91,42366 -33,815564	0,0000 0,0000	0,95
Қатлам харорати	$Y = 0,04781 \cdot e^{0,01414 \cdot X_5}$	-3,040480 0,014140	-195,7348 66,882113	0,0000 0,0000	0,99
Қатламнинг ўтказувчанлиги	$\ln Y = -3,38006 + 0,0262 \cdot X_6$	-3,380065 0,0261879	-31,62817 12,413267	0,0000 0,0000	0,84
Бошланғич қатлам босими	$\ln Y = -3,05173 + 0,0046 \cdot X_7$	-3,051732 0,004643	-201,3520 69,28151	0,0000 0,0000	0,97
Жорий қатлам босими	$\ln Y = -2,96028 + 0,0092 \cdot X_8$	-2,9602802 0,0091511	-67,68966 21,816831	0,0000 0,0000	0,88
Парчаланиш коэффиценти	$Y = 0,04023 \cdot e^{5,1425 \cdot X_9}$	-3,2131541 5,1424796	-31,32098 11,001438	0,0000 0,0000	0,81
Қумлилик миқдори	$Y = 0,0358 \cdot e^{0,01414 \cdot X_{10}}$	-3,3292361 3,7615919	-53,572774 20,803816	0,0000 0,0000	0,87
<b>Адекватлик меъзонлари</b>					
1) t-тақсимоти абсолют бўйича жадвал қийматидан юқори бўлиши талаб этилади, $t_{ж} = 2,01$ (модел коэффицентларини аҳамиятлилигга текшириш учун қўлланилади)					
2) p-қиймат кўрсаткичлари 0,05 дан кичик бўлиши талаб этилади (модел структураси бўйича гипотезани, ҳамда параметрнинг тақсимот қонунини қаноатлантиришини текшириш учун қўлланилади)					
3) R <sup>2</sup> – детерминация коэффиценти 0,7 дан юқори бўлиши тавсия этилади (моделни умумий монандликга текшириш учун қўлланилади)					

Уюмларни геологик кўрсаткичларини даражаси асосида турларга ажратиш меъзонларига кўра тадқиқ этилаётган уюмларнинг 70,7 фоизи ўрта даражадан пастда, 11 фоизи ўрта даражада, 18,3 фоизи ўрта даражадан юқори кўрсаткичларга эга (2-жадвал).

Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, газ берувчанлик коэффицентининг қаралаётган барча геологик омилларни ўзида мужассам этган математик тавсиф қўришнинг имконияти чекланган. Шу сабабли, мазкур ҳолатда тизимости моделларини умумлаштириш, ҳамда эластиклик коэффицентларидан фойдаланиш ёрдамида баҳолаш моделларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Геологик кўрсаткичлар тизимида уюмнинг газ берувчанлик коэффицентини баҳолаш механизмини ишлаб чиқишда геологик омилларни

**Уюмларни геологик кўрсаткичларини даражаси асосида турларга ажратиш мезонлари (Тузувчи: Шомуродов Ш.Э.; 2023 йил)**

№	Геологик кўрсаткич номи	1-тур уюмлар (қуйи даражали)	2-тур уюмлар (ўрта даражали)	3-тур уюмлар (юқори даражали)
1	донодорлик	< 28	(28, 48)	48 <
2	очиқ ғоваклик	< 0,14	(0,14; 0,23)	0,23 <
3	газга тўйинганлик	< 0,62	(0,62; 0,73)	0,73 <
4	қатлам гиллилиги	< 0,22	(0,22; 0,36)	0,36 <
5	қатлам ҳарорати	< 66,933	(66,933; 80,467)	80,467 <
6	қатламнинг ўтказувчанлиги	< 39,633	(39,633; 78,767)	78,767 <
7	Бошланғич қатлам босими	< 202,933	(202,933; 251,467)	251,467 <
8	жорий қатлам босими	< 114,667	(114,667; 199,333)	199,333 <
9	парчаланиш коэффициенти	< 0,302	(0,302; 0,591)	0,591 <
10	қумлилиқ миқдори	< 0,253	(0,253; 0,477)	0,477 <
11	ўртача газ берувчанлик коэффициенти	0,96025434	1,660834565	3,812997814

ихтиёрий уюм кесимида динамик жиҳатдан ўзгариш ҳолатига кўра икки гуруҳга ажратилади.

**Биринчи гуруҳда** газ берувчанлик коэффициентининг ортиб бориши динамикасида ўзгарувчи омиллар, яъни газга тўйинганлик ( $X_3$ ), қатлам ҳарорати ( $X_5$ ), ўтказувчанлиги ( $X_6$ ), бошланғич қатлам босими ( $X_7$ ) ва жорий қатлам босими ( $X_8$ ),

Дастлаб 1-гуруҳ омиллари бўйича қуйидаги нозикли модел ишлаб чиқилди.

$$Y = 0,2 \cdot (e^{-3,021+1,49X_3} + e^{-3,04+0,014X_5} + e^{-3,38+0,026X_6} + e^{-3,052+0,005X_7} + e^{-2,961+0,009X_8}).$$

**Иккинчи гуруҳга** кўриб чиқилаётган бошқа геологик омиллар киради. 2-гуруҳ омиллари бўйича 1-жадвал моделларидан фойдаланиб, уларнинг алгебраик йиғиндисига асосланамиз. Натижада ушбу йиғиндини қуйидагича ёзиш мумкин.

$$Y = 0,2 \cdot (e^{-3,26+0,03X_1} + e^{-3,004+4,98X_2} + e^{-2,005-4,12X_4} + e^{-3,213+5,14X_9} + e^{-3,33+3,76X_8}).$$

Моделлаштириш натижалари асосида маҳсулдор қатламларнинг геологик кўрсаткичлари орқали уюмнинг газ берувчанлик кўрсаткичини баҳолаш ва унинг турли даражаларини фарқлашга имкон беради. Модел қийматлари асосида таққослаш таҳлили қуйидаги ҳолатларни ажратиб берди:

- газ берувчанлик коэффициентининг энг кичик даражаси Шимолий Бердах конининг  $J_3^{11}$  уюмига, ўрта даражаси Учсой конининг  $J_2^7$  уюмига (унинг ўртача йиллик кўрсаткичи 1,482) ва юқори энг катта даражаси Шарқий Бердах конининг  $J_2^1$  уюмига тўғри келади.

- геологик омилларнинг кўрсаткичлари газ берувчанлик коэффициентига таъсир даражасини билганимиз ҳолда таъсир даражасининг ўзгариш кенглигини ҳисоблаш мумкин.

Қуйидаги 3-жадвалда уюмларнинг геологик омиллари кўрсаткичларини газ берувчанлик коэффициентига таъсир даражасининг ўзгариши баҳоланган.

Юқорида келтирилган натижалар геологик омилларнинг газ берувчанликка таъсир даражаси динамик жиҳатдан ўзгармаслик хоссасига

3-жадвал.

**Уюмларнинг газ берувчанлик динамикасида геологик омиллар таъсир даражасининг ўзгариши (Тузувчи: Шомуродов Ш.Э.; 2023 йил)**

Горизонтни газ берувчанлигига таъсир этувчи геологик омил номи	Геологик омилларнинг эластиклик кўрсаткичлари	Эластикликнинг ўзгариш даражаси			
		50 йилда		100 йилда	
		фоизда	микдор	фоизда	микдор
донадорлик	0,57342518	1,65	0,58289	3,30	0,59236
очиқ ғоваклик	0,48174519	0,09	0,48215	0,17	0,48256
газга тўйинганлик	0,50532826	0,00	-0,50531	0,01	-0,50529
қатлам гиллилиги	0,52225850	0,10	0,52275	0,19	0,52325
қатлам ҳарорати	0,37504213	0,10	-0,37467	0,20	-0,37429
қатламнинг ўтказувчанлиги	0,48762149	0,24	0,48877	0,47	0,48991
бошланғич қатлам босими	0,51290614	0,13	-0,51224	0,26	-0,51157
жорий қатлам босими	0,41537719	0,21	-0,41453	0,41	-0,41367
парчаланиш коэффициенти	0,34193506	1,25	-0,33766	2,50	-0,33339
қумлилик микдори	0,49645313	0,03	-0,49633	0,05	-0,49620

жуда яқин бўлсада, бироқ жуда пассив ўзгариб бориши аниқланди. Жумладан, донадорлик даражасининг таъсири 50 йилда 1,65 фоизга ортади. Парчаланиш коэффициентининг таъсир даражаси 50 йилда 1,25 фоизга камаяди. Газга тўйинганлик ўзгаришсиз қолади. Очиқ ғоваклик ва гилликнинг таъсир даражаси 100 йилда ўртача 0,18 фоизга ортади. Бошқа геологик омиллар бўйича ҳам таъсир даражасининг динамик тизимда жуда кичик ўзгаришларга учраши содир бўлади.

Уюмлар кесимида геологик омиллар кўрсаткичлари асосида газ берувчанлик коэффициентини баҳолашнинг аниқ механизмлари ҳалигача жорий этилмаган. Бу эса, геологик-қидирув ишларини самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, уюмларнинг газ берувчанлик коэффициентига геологик омилларнинг таъсирини баҳолашда чизиқли, математик-статистик таҳлил, экспериментал-статистик моделлаштириш, нейрон тармоқлар, эмпирик ёндашувлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Бердах валидаги конларда газ берувчанлик коэффициенти башоратлашни модели механизми”** номли тўртинчи бобида Бердах валидаги конларни газ берувчанлик коэффициентини башоратлашни моделлаштириш усуллари ва қўллаш имкониятлари асосланган.

Бердах валидаги маҳсулдор қатламларда газ берувчанлик коэффициентини моделлаштириш орқали башоратлашда геологик кўрсаткичнинг бир қатор муҳим хусусиятларини инобатга олиш зарур. Биринчидан, газ берувчанлик коэффициенти вақт давомида ўзгарувчи динамик жараён бўлиб, унинг вариацияси доимий равишда вақт омили таъсирида содир бўлади. Иккинчидан, бу ўзгаришлар уюмларнинг геологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, маҳсулдор горизонтларнинг бир-биридан фарқланишини юзага келтиради. Учинчидан, коэффициент ўзгаришида тасодифий омиллар катта роль ўйнайди ва башоратлашни мураккаблаштиради. Тўртинчидан, газ берувчанлик коэффициенти унинг бошланғич ҳолатини шакллантирган геологик ва физик шароитларга юқори даражада боғлиқ. Шу сабабли, моделлаштириш ушбу омилларни тизимли равишда ҳисобга олиб, аниқ ва ишончли башоратларни таъминлайдиган самарали услуб ҳисобланади.

Бердах валидаги конларнинг геологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, газ берувчанликни башоратлаш мақсадида бир нечта моделлар ишлаб чиқилди. Жумладан, тренд модели, кўп омилли эмпирик модель, вақтли қаторлар асосидаги моделлар (АРИМА, АРМАХ), ҳамда ўртача даражаларнинг сирпаниши (moving average smoothing) моделлари яратилди. Ушбу моделлар умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиниб, уларнинг самарадорлиги ва башорат қилиш қобилияти ўзаро таққослаб ўрганилди.

Бердах валидаги конларнинг газ берувчанлик коэффициентини башоратлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ҳар бир кон учун статистик маълумотлар ва кўп омилли моделлар асосида ҳисобланган йиллик ўртача кўрсаткичлар ўзаро яқин қийматларни намоён этди. Жумладан, Шарқий Бердах-Учсой конида коэффициент 1,23%, Шимолий Бердахда 1,22%, Арслонда 1,11% ва Иномда 1,09% ни ташкил этди. Моделлаштириш натижалари статистик ўртачалар билан мос келиб, таҳлил қилинган конлар бўйича 60 дан 100 йилгача узлуксиз фойдаланиш имкониятини кўрсатмоқда. Умумий ҳолда, тренд қонуниятлари, динамик-стахостик моделлар ва ўртача даражалар текислаш усули асосида олинган ўсиш суръатлари 10,56% дан 19,22% гача бўлиб, улар Бердах валидаги конларнинг узоқ муддатли самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради. Шундай қилиб, турли моделлар ва услублардан фойдаланиш орқали олинган натижаларнинг ўзаро мослиги уларнинг ишончилиги ва башоратларини қабул қилиш имконини тақдим этади.

## ХУЛОСА

“Бердах валидаги юқори-ўрта юра даври терриген коллекторларининг газ берувчанлик коэффициентига геологик омилларнинг таъсири” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар келтирилди.

1. Излов - қидирув ишлари ва конларни ишлатиш босқичларида газ берувчанлик коэффициентини аниқ баҳолаш мураккаб вазифалардан биридир.

Маҳсулдор катламларни геологик омилларнинг газ берувчанлик коэффициентига таъсирини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ва конларнинг ҳолатини башорат қилиш тавсия этилади.

2. Бердах валидаги юқори-ўрта юра даври маҳсулдор катламларининг коллекторлик кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлик хоссаларини ўрганиш мақсадида Шимолий Бердах конининг  $J_2^{26}$ , Шарқий Бердах ва Учсой конларининг  $J_2^1$  горизонтлари бўйича олиб борилган геологик таҳлиллар натижасида конларнинг структураси, ғоваклик, ўтказувчанлик, газга тўйинганлик ва самарали қалинлик хариталари тузилди. Математик таҳлиллар асосида уюмларнинг ўзаро боғланиш функциялари аниқланди. Бу келажакдаги газ қазиб чиқариш ва мавжуд захиралардан оптимал фойдаланишда ва газ берувчанлик хусусиятини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

3. Бердах валидаги терриген коллекторли газ уюмлари бўйича олиб борилган эмпирик тадқиқотлар натижасида геологик омилларнинг 1 % ўзгариши газ берувчанлик коэффициентига турлича даражада таъсир кўрсатиши аниқланди. Улар орасида энг кучли таъсир донадорлик даражаси (0,57%), гиллик (0,52%), газга тўйинганлик ва бошланғич қатлам босими (0,51%) ҳисобига тўғри келди. Шу билан бирга, қатлам ҳарорати (0,38%) ва парчаланиш коэффициенти (0,34%) каби омиллар таъсири нисбатан паст бўлди. Ушбу натижалар уюмларининг газ берувчанлигини баҳолашда ва ундан самарали фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқишда геологик омилларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

4. Бердах валидаги газ уюмларида газ берувчанлик коэффициентларини баҳолаш учун биринчи марта донадорлик, очик ғоваклик, газга тўйинганлик, гиллик ва бошқа геологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда газ берувчанликни аниқлаш алгоритми яратилди. Модел газ берувчанлик коэффициентларини нафақат уюмлар кесимида, балки конлар кесимида ҳам, йил, квартал ва ой бўйича аниқлаш имконини беради. Газ берувчанлик коэффициентларини баҳолашда юқори аниқлик ва ишончлилиқни таъминлаш учун тавсия этилади.

5. Бердах валидаги терриген коллекторли уюмларни геологик омиллар кўрсаткичлари асосида йиллик ўртача газ берувчанлик коэффициентини қуйи ( $\leq 0,96\%$ ), ўрта ( $\approx 1,66\%$ ) ва юқори ( $\geq 3,81\%$ ) даражаларга ажратиш таклиф этилади. Бундай ёндашув коллекторларнинг табиий-геологик салоҳиятини тўғри баҳолаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва истиқболли конларни аниқлашда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

6. Газ берувчанлик коэффициентининг ўзгариш тенденцияси ва геологик кўрсаткичларнинг таъсирини баҳолашда, геологик омиллар динамик жиҳатдан кам ўзгаришларга учраши аниқланди. Бунда донадорлик даражасининг таъсири 50 йилда 1,65 фоизга, парчаланиш коэффициентининг таъсири эса 1,25 фоизга камаяди. Газга тўйинганлик кўрсаткичининг таъсири деярли ўзгармасдан қолади. Очик ғоваклик ва гиллик каби омиллар эса вақт ўтиши билан 100 йилда ўртача 0,18 фоизга ортади. Бу натижалар, геологик омилларнинг таъсирини баҳолаш ва келажакдаги ўзгаришларни ҳисобга

олишда муҳим аҳамиятга эга.

7. Бердах валидаги конлар учун газ берувчанликни геологик омилларга асосланган узоқ муддатли ва ишончли башоратлаш мақсадида биринчи марта нейрон тармоқ ва эмпирик моделлаштириш асосида башоратлашнинг алгоритмлашган механизми тавсия этилган. Бундан ташқари, геологик кўрсаткичлар, вақт омили ва тасодифий ўзгаришлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, стахостик моделлар орқали башоратлаш натижаларни янада ишончли қилиш имконияти яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ  
НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ШОМУРОДОВ ШОХБОЗ ЭРОЛ УГЛИ**

**ВЛИЯНИЕ ГЕОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА КОЭФФИЦИЕНТ  
ГАЗОТДАЧИ ТЕРРИГЕННЫХ КОЛЛЕКТОРОВ ВЕРХНЕ-  
СРЕДНЕЮРСКОГО ВОЗРАСТА БЕРДАХСКОГО ВАЛА**

**04.00.07- Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2025**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2025.1.PhD/GM140.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.ing.uz](http://www.ing.uz)) и информационно-образовательном портале "Ziyonet" ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Халисматов Ирмухамат  
кандидат геолого-минералогических наук, профессор

**Официальный оппоненты:** Иргашев Юлдашбай  
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Абидов Хуршид Асрорович  
кандидат геолого-минералогических наук

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится « 28 » августа 2025 года в 10:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней Dsc.24/30.12.2019.GM/41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Тошкент, ул. Олимлар, 64-уй, Б блок; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУ «ИГИРНИГМ» (регистрационный номер 4423). Адрес: 100164, Тошкент шахри, Олимлар кучаси, 64-уй, Б блок; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Автореферат диссертации разослан « 31 » июля 2025 г.  
(реестр рассылки протокол № 95 « 28 » мая 2025 г.)



**Т.Х. Шоймуратов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

**М.Г. Юлдашева**  
Научный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

**Богданов А.Н.**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В настоящее время в мировой практике поисково-разведочных работ и добычи залежей газа и газоконденсата большое внимание уделяется изучению газоотдачи коллекторов. Обоснована необходимость высокоточной оценки коэффициента газоотдачи при подсчете запасов газовых и газоконденсатных залежей, проектировании различных стадий разработки, пересчете запасов в процессе добычи. Определение газоотдачи залежей зависит, в первую очередь, от геологических факторов, а во вторую - от технологических и экономических факторов. Технологические сложности в процессе добычи газа и связанное с этим увеличение экономических затрат в основном обусловлены сложным геологическим строением залежей. Поэтому изучение зависимости коэффициента газоотдачи от геологических факторов является актуальным. При этом важно обеспечить достоверность оценки и прогнозирования коэффициента газоотдачи по показателям геологических факторов.

В мире проводятся исследования по изучению зависимости коэффициента газоотдачи газовых и газоконденсатных залежей от геологических факторов. В связи с этим особое внимание заслуживает совершенствование методики оценки влияния геологических факторов на коэффициент газоотдачи на основе систематизации знаков степени, синергетической доли, тенденционного изменения; разработка моделей определения среднего коэффициента газоотдачи в залежах газа, связанных с терригенными коллекторами; разработка алгоритмов реализации моделированного механизма высокоточного прогнозирования коэффициента газоотдачи на месторождениях с терригенными коллекторами.

В нашей республике достигнуты определенные научные результаты по разработке и применению новых технологий для повышения эффективности поисково-разведочных работ в нефтегазовой отрасли. В Стратегии развития Нового Узбекистана по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по "...дальнейшему развитию, совершенствованию, ускорению отрасли."<sup>2</sup> В связи с этим модель оценки и прогнозирования, направленная на совершенствование методов определения коэффициента газоотдачи газовых и газоконденсатных залежей на основе фактических геологических данных продуктивных пластов, позволяет достоверно определять объем доступных к извлечению запасов при расчете запасов газа.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 1 марта 2018 года №ПП-3578 "О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам," Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 июля 2019 года

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы."

№ПП-4401 “О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 годы,” Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы,” а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

